

Шайх Абдуллоҳ Бониъмани йиғлатган воқеа



16:00 / 01.02.2023 1909

Таниқли даъватчи ижтимоий тармоқларда машҳур бўлган Абдуллоҳ Бониъма фоний дунёдан охират сари рихлат қилдилар. Бу зот Аллоҳнинг синовига учраб ўттиз йил фалаж касали билан оғридилар. У кишининг қўлоёқлари ҳаракатдан тўхтаган эди. Аммо шундай бўлса-да, у киши умрларини Алоҳнинг йўлига чақиришга бағишладилар. Қуйида у зотнинг насиҳатларидан эътиборингизга ҳавола этамиз:

«Мендан кўра аҳволи оғирроқ одам бўлмаса керак деб ўйлардим. (У кишининг бошларидан ташқари барча тана аъзолари ҳаракатдан тўхтаган эди). Бир куни шайхлардан бири: «Мен билан юринг, аҳволи сизникидан оғирроқ бўлган кишини кўрсатаман», деди. Ўша шайх билан бориб, ўзимга ўхшаган фалаж одамни кўрдим. Лекин унда фалажликдан ташқари яна бир беморлик бор эди. Унинг қулоғи эшитмас, тили эса гапира олмасди. Тасаввур қилинг, у одамнинг тана аъзолари ҳаракатланмайди, қулоғи эшитмайди, тили эса гапира олмайди. Мана шу одам билан боғлиқ менда кўз ёшимга сабаб бўлган оғриқли воқеа содир бўлганини эшитдим. Кунларнинг бирида унинг оила аъзоларидан бири хабар олиш учун олдига кирсалар, кийимида қон доғини кўришди, унинг ўзи эса йиғлаётган экан. Қон қаердан тегди экан деб жароҳатни излай бошлашди. Ниҳоят, унинг икки бармоғини узилиб тушганини кўрдилар. Қандай узилиб тушди экан деб оила аъзолари ҳайрон қолдилар. Маълум бўлишича, бир сичқон беморнинг олдига келиб, унинг бармоқларини кемириб, узиб олибди. Бемор эса ўз жойида қимир этмай, ҳеч нарса қила олмай ётаверибди. У

фақатгина бармоқларига назар солиб, оғриқдан қийналиб, инграб ётган холос. Сичқон унинг олдига келганда беморнинг ҳаракатланмаётганини кўриб, уни ўлик деб ўйлаган. Сиз-чи, соғлом бармоқларингиз билан нима фойдали иш қилдингиз?! Соғлом оёқларингиз билан нима қилдингиз?! Тилингиз билан нималарни гапирдингиз?! Қулоғингиз билан нималарни тингладингиз?! Сизга берилган барча неъматлардан фойдаланиб, қандай амаллар қилдингиз?! Лаа илааха иллаллоҳ».

Азизлар, Роббимиз бизга неъмат қилиб берган соғлом тана аъзоларнинг шукрини адо этишимизми?! Уларни нималар билан машғул қиляпмиз?! Бу нарсаларга аҳамият берайлик. Аллоҳ таоло бизга ато қилган ва қилаётган ҳамда келгусида берадиган неъматларининг шукрини тўлиқ адо қилиб боришимизни насиб этсин, Ҳақ таоло Абдуллоҳ Бониъмадан рози бўлсин, динимизга қилган хизматларининг ажрини кўпайтириб берсин, қабрларини нурларга тўлдирсин.

Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон
Муҳаррир: Хуршид Маъруф